

# ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 10

Самарканд шаҳри

«10» март 2022 йил

«GULOBOD MEBEL» МЧЖ кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг устави (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Аноров Х.У. номидан, бир томондан ва Ўзбекистон Республикаси Миллийгвардияси Самарканд вилояти Қўриқлаш бошқармаси, кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, узининг маҳаллий бюджет конунчилиги асосида иш юритувчи раҳбар Р.М.Номозов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

Т/р	Товар (маҳсулотлар) номи	Ўлчов бирлиги	Со ни	Нархи	Сумма	ҚҚС став каси	ҚҚС суммаси	Баҳоси
1	Мебеллар 1 иловага асосан			736 665 217,00	736 665 217,00	15%	110 749 982,55	847 164 999,55
	<b>Ж А М И</b>							847 164 999,55

## 2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

- 2.1. Ушбу шартноманинг умумий сумма 847 164 999,55 (саккиз юз қирк етти миллион бир юз отмиш тўрт минг туқуз юз тўқсан туқуз **сум 55 тиний**) ташкил этади.
- 2.2. Сотиб олинган Товар (маҳсулот) учун олдиндан тулов миқдори 15 % ни ташкил қилади.
- 2.3. Товар (маҳсулот) сотиб олингандан кейин қолган 85 % тўлов амалга оширилади.
- 2.3. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

## 3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:
  - 3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.
  - 3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.
  - 3.1.3. Сотувчи тўпламда яроқсиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.
  - 3.1.4. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган қафолат муддатларини тақдим этади.
- 3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:
  - 3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.
  - 3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.
  - 3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

## 4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ



4.1 Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инobatга олинаши зарур.

4.2. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

## 5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:

5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган қунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдориди, тез бузиладиган товарлар буйича эса-10 % миқдориди жарима тўлайди.

5.3. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нови лозим даражада булмаган товарлар қийматининг, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 20 % миқдориди жарима тўлайди.

5.4. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган қунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдориди, лекин кечиктирилган тулов суммасининг 50 % дан ортиқ булмаган миқдорда пена тулайди.

5.5. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктирилиб юборилган ҳар бир кечиктирилган қун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 % миқдориди пена тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50% дан ошиб кетмаслиги лозим.

5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5.7. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида етказиб берилган товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртасидаги фарк товар етказиб берувчи томонидан қопланади.

## 6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартнома 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади.

6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик қучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

6.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;

- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.

- Форс-Мажор ҳолатларида

## 7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

7.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

7.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида ҳал қилинади

7.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда Хўжалик судида ҳал қилинади.

## 8. ФОРС-МАЖОР

8.1. Тарафлардан бири шартноманинг енгиб бўлмайдиган қуч, яъни фавқулотда муайян шароитида олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (табиий офатлар, ноқулай об-ҳаво шароити, ҳуқумат тадбирлари, ҳокимият органларининг қарорлари, ҳарбий низолари, ички тартиббузарликлар ва бошқа табиий офатлар) форс-мажор туфайли бажарили бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги исботланса жавобгар бўлмайди.



8.2. Мазкур шартнома бажармаган ёки лозим даражада бажарилмаса томонлар Ўзбекистон Республикаси “Хужалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тугрисидаги” ги қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа амалдаги қонунлари талаблари бўйича жавобгар бўлади.

### 9. БОШҚА ШАРТЛАР

- 9.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.
- 9.2. Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.
- 9.3. Ушбу шартнома 2022 йил 31 декабр гача 2 нусхада тузилди. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Самарқанд вилоят Газначилик бошқармасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний қучга қиради.

### 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

#### «СОТУВЧИ»

«GULOBOD MEVEL» МЧЖ

Манзил: Самарқандский р-н  
Тел: Тел. факс: 93-720-12-82  
Банк Узсаноатқурилишбанк  
МФО 00317 ОКЭД 31090  
Х/р 20208000604298972001  
СТИР 204751514

Рахбар \_\_\_\_\_



#### «СОТИБ ОЛУВЧИ»

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
Самарқанд вилояти Қўриқлаш бошқармаси

Манзил: Самарқанд шаҳар Т.Малик 12-ўй  
тел: +998932333385  
СТИР: 201214264 ХХТУТ 84240  
Х/р: 21596000800470456001. МФО 00022

Банк Марказий банк Самарқанд ХБКМ

Рахбар \_\_\_\_\_



(имзо)

Р.М.Номозов

М.Ў.

Ҳуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш): \_\_\_\_\_

Лицензия (диплом) № \_\_\_\_\_ ва берилган санаси: \_\_\_\_\_

Ҳуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш): \_\_\_\_\_

Лицензия (диплом) № \_\_\_\_\_ ва берилган санаси: \_\_\_\_\_

